



**(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).**

Электр энергиянинг асосий қисми фойдали қазилмаларнинг ёқилишидан олинади (кўмир, табиий газ, нефть, сланец, торф). Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА)нинг хабарига кўра, 2021 йилда жами электр энергиянинг 37 фоизи кўмирдан, 23,5 фоизи эса табиий газ ёқилишидан ишлаб чиқарилган. Worldometer сайтининг хабарига кўра, дунёда 200 миллиард тоннадан кам нефть захираси қолган. Бу 47 йилга етади, ҳолос.

**Бир донга энергия тежамкор лампа бир йилда 80 минг сўм иқтисод қилади.**

Кўмир захираси 1 триллион тонна, табиий газ 170 миллиард куб метр атрофида қолган. Уларнинг захираси, кўмир тахминан 133 йилга, газ 52 йилга етади.

АҚШ энергетик ахборот бошқармаси (EIA)нинг хабарига кўра, барча турдаги электр станциялар атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Ёнилғилар, биомасса ва чиқиндиларнинг ёқилиши оқибатида атмосферага карбонат ангидрид, олтингургурт диоксиди, азот оксидлари, оғир металллар (масалан, симоб) чиқарилади. Кўмир, биомасса ва чиқиндилар тўлиқ ёнмайди. Улардан қул ва курум қолади. Уларнинг барчасида токсик элементлар, яъни мишьяк ёки симоб бор. Учувчи бирикмалар ҳавода тунули газлар орқали тарқалади. Электр станциялар кулли чиқинди полигонларига ташлашади ёки сув билан аралаштириб, махсус ҳовуларда сақлашади. АҚШда улар очiq ҳавозаларга қўйилиш ҳолатлари қайд этилган.

Энергия ишлаб чиқариш учун ёнилғи материалларини қазиб олиш сув ресурсларига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. ЮНЕСКОнинг маълумотига кўра, денгизда 120 тонна нефтни қазиб олишда 400 тонна қазилма шлами ва минг тоннадан ортиқ турли чиқиндилар сувга ташланади. Гидроксиди суви билан ерни очишда оқова сувлар ҳосил бўлиб, улар ер ости сувларини ифлослантиради.

АҚШнинг атроф-муҳит муҳофазаси агентлиги (EPA) гидроксиди суви билан фойдаланилганда мингдан ортиқ кимёвий қўшимчалар чиқилиши аниқланган. Ёмон томони, нефть ва газни қазиб олишда фойдаланиладиган сувни қайта тозалаш бўлмайди. Нефть ва газни қазиб олиш жараёнида юз берадиган авариялар сувни ифлослантиради, жонивор ва қушларни нобуд қилади. Масалан, Мексика кўрфазидagi Deewater Horizon платформасида 2010 йилда шундай авария содир бўлган. Ушанда 152 кун ичида океанга 682 минг тонна нефть тўкилиб, 70 минг квадрат километри қоплаган.

Халқаро энергетика агентлигининг хабарига кўра, 2021 йилда электр энергияга бўлган талаб 6 фоизга ўсган. Бирок электр энергиясини ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол олингувурт диоксиди кислота ёмғирларини келтириб чиқариши билан атроф-муҳитга катта зарар етказиши мумкин. Асосийси, у иқлим ўзгаришини тезлаштиради.

Электрстанциялар ичида экология учун энг хавфлиси кўмирда ишлаб чиқарилган ТЭСлардир. Кўмирнинг ёқилиши оқибатида ҳавога азот оксиди, олтингургурт икки оксиди, оғир металллар чиқарилади. Кўмир ТЭСлари CO2 карбонат ангидрид 30 фоизгача ташланмаларни ҳавога чиқаради.

Greenpeace ҳамда Энергетикани тадқиқ этиш ва тоза ҳаво маркази (CREA)нинг 2020 йилги ҳисоботида кўра, атроф-муҳитнинг ифлосланиши натижасида экологияга йилга 8 миллиард доллар зарар етказилди. Ҳавонинг ифлосланиши дунё бўйича 4,5 миллион инсоннинг ҳаётига зомин бўлади. Ҳавонинг ифлосланиши натижасида йилга 40 минг нафар бола 5 ёшга етмай вафот этади.

Тўғонлар бўйича халқаро комиссиянинг хабарига кўра, ГЭСлардаги сув ўсимликларининг чириши натижасида ҳавога 28 фоиз иссиқхона газлари чиқади. Дунёда сув омборлари қурилиши ва унинг сувга тўлдирилиши оқибатида 34 та ҳайвонот, 12 та ўсимлик тури бутунлай йўқ бўлиб кетган.

**Маиший техника жиҳозлари кутиш режимда ойига ўртача 7,3 кВт/соат электр энергиясини сарфлайди.**

Бутунжаҳон ядро ассоциацияси маълумотларига кўра, 2021 йили дунёда 442 та ядровий реактор ишлаган. Уларнинг 70 фоизи атроф-муҳитга зарарли, баъзиларида радиоактив сувлар сув остини зарарламоқда.

Ҳўш, электр энергияси ишлаб чиқаришда қўлланилаётган деярли барча услублар инсониятга зарарли бўлса, унда қандай энергия туридан фойдаланиш лозим. Ахир дунёни энергиясиз тасаввур этиб бўлмайди.

**ХАВФСИЗ ЭНЕРГИЯ БОРМИ?**

Жаҳоннинг кўпгина таниқли эколог ва энергетикачи энг хавфсиз энергия тури сифатида муқобил энергиядан фойдаланишни таклиф этишмоқда. Чунки бу турдаги энергияни экологияга зарар етказмасдан олиш мумкин.

Бу турдаги энергия қуёш, шамол, геотермал иссиқлик (ер ости иссиқлиги), биоёнилғидан олинади. Уларнинг ёқилиши натижасида ҳавога жуда кам ташланмалар чиқарилади. ХЭАнинг маълумотига кўра, дунёда 2020 йилда муқобил энергия ишлаб чиқарилиши 29 фоизга етган. 2050 йилда карбонат ангидрид ҳавога ташланишини 0 фоизга етказиш учун муқобил

ҳодими Бекзод Анорбеков. - Ушбу маҳалладаги уйлارга ўрнатилган ускуналар "Офгрид" деб номланади. Чунки бу тизим қуёш панеллари ва керакли ускуналарни ўз ичига олган, яъни бу мустақил тизим. Аҳоли эҳтиёжи учун электр энергиясини қуёш нуридан олиб, уйни ёритиш ва маълум бир маиший техникаларни ишлатиш учун йўналтиради. Лекин саволлардан келиб чиқиб, бу ускуна батареяларнинг ишлаш даври камлиги ҳисобига иккинчи ўриндош ечим сифатида батареяларсиз "Онгрид" тизимида туман электр тармоқларига уланади. Қуёш панеллари ёрдамида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ортиқча қисми туман электр тармоқлари корхонасига "сотилади". Қуёш бўлмаган ва ёмғирли кунларда эса бу сотилган энергия тармоқдан олинади. Бу билан аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва электр учун кам-

Ваттлик "монокристал" 25-30 йил кафолатли қуёш панелларимиз Арманистондан келтирилади. Ҳозирда муқобил энергия тизимларининг юртимизда энг оммабоп бўлган тури аккумуляторсиз тармоқ ҳисобланади. Бунда кундуз вақти қуёшли кунларда истеъмолчи ўз

**Музлаткични газ плитаси ёки иситиш радиатори ёнида ўрнатманг. Бу музлаткичнинг электр энергиясини истеъмолини 20-30 фоизга оширади.**

эҳтиёждан ортган энергияни сотади, қуёшсиз пайтда электр тармоқларидан энергия олади. Асосий электр истеъмолчи кундузги пайт бўлгани учун ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатиш мажмуалари, завод, фабрика, ташкилотлар ҳам энергиянинг айнан шу турини

қайта биланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, 2022 йил 1 октябрдан жисмоний шахслар мамлакатда ишлаб чиқарилган қуёш ва шамол электр станциялари ва қуёш сув иситкичларини уч йил мобайнида физсиз бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олишлари мумкин. Шунга ўхшаш қурилмаларни ўрнатган ва улар қийматини тўлаш тўлаган шахслар харажатлари бир қисми Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари тармоқларо энергия тежаш жағфармаси ҳисобидан тўлашни белгиланди. Компенсация миқдори қурилма қувватидан келиб чиққан ҳолда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 50 бараварини ташкил этади. Бу қулайликлар албатта, муқобил энергия тармоғини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

- Республикаимизда муқобил энергия турларидан фойдаланиш жуда долзарб масала ҳисобланади, - дейди вилоят экология ва атроф-муҳит муҳофазаси қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи Тўраҳон Ҳошимов. - Чунки углеводородли ёқилғилар - кўмир, газ, нефть захиралари камайиб бормоқда, иқтисодиёт, энергияга бўлган талаб ва аҳоли ўсиб бормоқда. Шу боис муқобил энергияга ўтиш зарурати туғилмоқда. Юзага келадиган энергия етишмовчилиги ўрнини қоплаш учун муқобил энергия турларини ривожлантириш зарур. Хусусан, қуёш энергияси. Ҳозирда республикаимизда бу йўналишда катта ишлар амалга оширилмоқда. Дастлаб Навоий вилоятида 100 миллион кВтти, кейин вилоятимизнинг Нуробод туманида ҳам шунча кВтти қуёш станциялари қурилиб, ишга туширилди. Яна Нуробод туманида 100 миллион, Каттақўрғон туманида 200 миллион кВтти ҳамда Чўпонота массивида 100 миллион кВтти қуёш станциялари қурилиши олиб борилмоқда. Яқин келажак-

**Кир ювиш машинасида фойдаланганда, +60 даражадан пастроқ ҳароратда кир ювиш энергия сарфини 30-40 фоизга қисқартириш мумкин. Овақат пишириш учун сарфланадиган 1 куб метр газ 2-3 квт/соат электр энергиясига тенг.**

да Самарқандда 500 миллион кВтти станциялар қурилади. Вилоятимиздаги аҳоли хонадонларида мингдан ортиқ қуёш панеллари ишлаб турибди. Бошқармамиз томонидан 18 та ижтимоий соҳа объектига бепул қуёш панеллари ўрнатиб берилди. Аҳолида қуёш панеллари ўрнатишга қизиқиш юқори, аммо бу қурилма ўрнатилганда қўшимча пул ёки солиқ тўлаш керак экан, деган нотўғри тушунча мавжуд. Шунинг таъкидлаш кераки, Ўзбекистон қонунчилигида қуёш панеллари ўрнатилган учун ҳеч қандай пул тўлаш ёки солиқ олиш нормалари мавжуд эмас. Бу тизим республикаимизда энергетика тармоғига қўмаклашиш ва атмосферага зарарини камайтириш учун татбиқ этилмоқда.

Бундан ташқари, шамол энергиясини ривожлантириш бўйича ўрганишлар олиб борилмоқда. Булунгур тумани Юқори нуқта ҳудудида ер сатҳидан 70 метр баландиқда доимий шамол йўналишлари аниқланди. Ургут, Нуробод, Пайариқ туманларида 70 метр баландиқда шамол генераторлари келтириб ўрнатилди, электр энергиясиданги муаммони бир мунча ҳал этиш имконияти мавжуд. Масалан, Германия, Нидерландияда шамол энергетикасидан фойдаланиш жуда яхши йўлга қўйилган. Хитойда 150 миллион аҳоли фақат қуёш станцияси энергиясидан фойдаланади. Яна гидростанциялардан ҳам самарали фой-

**Ҳаво совутигидан фойдаланганда, хона эшиги очик бўлган ҳар бир дақиқа учун энергия сарфи 2 баробар ортади.**

даланилади. Вилоятимизда кичик гидростанциялардан 50 миллион кВт электр энергияси олинмоқда. 2021-2022 йилларда 6 та кичик гидростанция қурилиб, 250 миллион кВт электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, биоэнергетика, келажакда водород энергетикаси ривожланиши кутилмоқда. Чунки водород энергетикаси ҳам экологик тоза энергия ҳисобланади. Тўғри, муқобил энергия тизимларининг нарх-навоси ҳозирда бироз қimmatроқ. Бу муқобил энергия ускуналарининг импорт қилинаётгани билан боғлиқ. Лекин қуёш панеллари ишлаб чиқарадиган заводлар очилса, бундай ускуналарни ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, нархлар табиий равишда арзонлашади. Яна бир қулай томони, қуёш панеллари ишлаб чиқариш учун тоза кварц қуми зарур. Бундай қум юртимизда жуда кўп.

**Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ.**

# Муқобил энергия келажак энергияси кафолатли бўладими?



энергия 60 фоизга етиши лозим.

БМТнинг Тараққиёт дастури, Глобал экологик жағфарма (ГЕФ), Қурилиш вазирлиги Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда қўшма лойиҳа доирасида Бухоро вилоятида "Тендер ва биноларнинг энергия самардорлиги - яшил иқтисодий ривожланишнинг гарови" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Семинарнинг биринчи кунда одатий энергия ишлаб чиқаришга қўшимча равишда муқобил энергия турларидан фойдаланиш ва бунинг экологияга таъсири борасида журналист ва блогерларга тушунча берилди. ГЕФ томонидан молиялаштирилган лойиҳа Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини атроф-муҳитга зарар етказмайдиган, яхшилланган ва арзон турмуш шароити билан таъминлашдан иборат.

Иккинчи кун Бухоро вилоятининг Бухоро тумани Работак маҳалласида қурилган намунавий уйлар ва кўп қаватли хонадонлар томида ўрнатилган муқобил энергия воситалари билан таништирилди. Ушбу маҳаллада қурилган уйларида базальт талаши иссиқлик тежовчи материаллардан фойдаланилган. Кўп қаватли хонадонларнинг ҳар бирига қуёш панеллари ўрнатилган. Бу аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини қондириш ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган. Лекин семинар иштирокчилари ва ижтимоий тармоқларда бу каби ускуналар жуда қimmatга тушиши, қуёш панелларидан олинган энергияни кечаси ҳам ишлатиш учун зарур бўладиган аккумуляторларни уч йилда янгилаш зарурияти ва уларни янгилаш жуда қimmat эканлиги тўғрисида фикрлар билдирилди.

- Янги уйлارга ўрнатилган муқобил энергия ишлаб чиқариш ускуналарининг қанча муддат ишлаши, эҳтиёт қисмлари борасида бир мунча саволлар бўлди, - дейди БМТ Тараққиёт дастури

роқ пул тўлаш назарда тутилган. Шу мақсадда Наманган, Тошкент, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги 22 та кўп қаватли уйларида 528 та хонадонга 600 Ваттлик қуёш панеллари бепул ўрнатиб берилган. Ҳозирда бу ускуналарнинг самардорлигини аниқлаш учун ўрганишлар олиб бо-

**Иситиш радиатори орқасидаги деворга иссиқликни қайтарувчи экранни ёки алюминий фольгани ўрнатиш қисқа ички хона ҳароратининг 1-2 даража ошишига имкон беради.**

ряпмиз. Хулосаларимизни Қурилиш ва Энергетика вазирлиқларига тақдим эта- миз. Улар кейинги босқичда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва тизимни такомиллаштириш бўйича ўз ечимларини ишлаб чиқишади.

Ҳақиқатдан ҳам бу тизим жаҳон олимпик томидадан ҳам келажак энергияси сифатида қаралмоқда. Ҳаттоки, айрим Европа давлатларида муқобил энергия ёрдамида электр ишлаб чиқариш аҳоли истеъмолнинг катта қисмини ташкил этаётган давлатлар ҳам бор. Аммо хонадонларни қуёш ёруғлиги асосида мустақил равишда тўлиқ энергия асосида таъминлайдиган ускуналар жуда қimmat ва ҳозирда четдан валюта ҳисобига келтирилмоқда. Агарда бундай ускуналар ўзимиздаги маҳаллий корхоналар томидадан ишлаб чиқарилса, нарх арзонлашади ва бу тизимга эҳтиёж янада ортади.

- Компаниямиз Ўзбекистон бозорида бир неча йилдан бун муқобил энергия тизимларини ўрнатиш борасида фаол иш олиб бораётимиз, - дейди "Солара" компанияси вакили Каримбек Нурмуродов. - Ўрнатаётган 450, 540

маъқул кўришмоқда. Қолаверса, бу тизим анча арзон. Бир киловатт энергия ишлаб чиқариш ускунасини ўрнатиш харажатлари билан биргаликда 10-11 миллион сўмга тушмоқда. Бу маблағ ҳисобидан ўрнатиш, қўшимча жиҳозлар, мижознинг хоҳишига кўра, қўл телефони ёки компьютерга илова ҳам улаб берилди. Илова ёрдамида ускунанинг қанча электр ишлагани, қанчаси истеъмол қилингани ва сотилганига назорат қилинади.

Ҳозирда "Гелевий" ва "Леидион" станцияли аккумуляторлар ишлатилмоқда. "Гелевий" аккумуляторлар бир, икки, кўпи билан уч йил ишлайди, кейин алмаштириш талаб қилинади. "Леидион" аккумуляторлар кафолатли муддат билан 5,10,15 йилгача ишлайди. Шунинг ҳисобига бир киловаттлик "Леидион" ли станцияни ўрнатиб бериш, тўлиқ жиҳозлари билан бирга 25 миллион сўмгача тушади. 500 Ваттлик станциялар 7 миллион сўмгача ўрнатилади. Бу асосан ёритиш тизимлари учун қўлланилади. Хонадонда электр энергиясини кўп талаб қиладиган маиший техникаларни ишлатиш учун ўртача 5 киловаттлик станция ўрнатиш лозим. Стандарт 2 квадратлик битта панел соатига 450 Ватт электр энергияси ишлаб чиқаради. Битта хонадонни тўлиқ муқобил энергияга ўтказиш учун ишлатиш қувватига қараб, ўртача 12 та қуёш панели ўрнатилади. Ҳозиргача республикаимизнинг турли ҳудудларидаги қўмита, ҳокимликлар, хусусан, Самарқанд вилоятидаги кўплаб ҳокимлик, ташкилотлар ҳам аккумуляторсиз станциялар ўрнатишмоқда.

**САМАРҚАНДА ИМКОНИЯТ ҚАНДАЙ?**

2022 йил 15 сентябрда Президентимизнинг "Энергия тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли

## Йўл-транспорт ҳодисалари сони камайган. Бироқ...

**(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).**

Бироқ ўтган 9 ой давомида қайд этилган 709 та йўл-транспорт ҳодисасининг 119 таси Самарқанд шаҳар кўчаларида содир бўлган ва уларнинг 11 таси ўлим билан яқунланган. Биргина шу рақамнинг ўзи Самарқанд шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда янги чарча иш тутишни тақозо қилмоқда.

Мисол учун, "Юқори тезлик чекланган" (60 км/соат) йўл белгиларини ўрнатиш зарурати юзага келмоқда. Бундан ташқари, тонгга ва кечки тизим пайтларда Мотрид кўрғони ва Даҳбед йўли оралиғида ҳаракатни ҳар икки қатнов қисмида бир томонлама қилиш зарур.

**ОҚИБАТ ЭМАС, САБАБ МУҲИМ...**

Таъкидланишича, 9 ойда 724 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган. Оқибатда 648 киши турли даражада тан жароҳати олган, 35 бола ҳаётдан бевақт кўз юмган.

Таҳлилларга кўра, автоҳалокатларнинг 31 фоиз ёки 226 тасида тўқнашув бўлган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг катта қисми 44,5 фоиз ёки 322 таси соат 16:00-24:00 оралиғида содир бўлган.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг 33,8 фоизи ёки 245 таси белгиланган тезликка риоя қилмаслик оқибатида юз берган. Келиб чиқиш сабаблари орасида қарама-қарши йўналишга қиқшиш (13,9 фоиз) ва оралик масофани сақламаслик (11 фоиз) муҳим ўрин эгаллайди.

Халқаро автомобиль йўлларида 29 фоиз ёки 211 та йўл-транспорт ҳодисаси юзага келган.

**ҲАР БИР ИШТИРОКЧИ МУҲИМ**

Ҳар биримиз йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда асосий жавобгар сифатида ЙҲХБ ходимларини биламиз. Шунингдек, бунда ҳайдовчиларнинг талаб ва қоидаларга амал қилиши муҳим саналади. Бироқ пиёдаларнинг ҳам тегишли масъулияти ва жавобгарлиги борлиғига кўп эътибор қаратилмайди.

Балки шу сабаб ўтган 9 ойда пиёдалар қоидабузарликлари оқибатида 56 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган.

- Бу каби қоидабузарликларнинг олдини олиш учун доимий равишда жойларда профилактик суҳбатлар ўтказиб келинмоқда, - дейди Ш.Бойхўров. - Шу билан бирга, ИПХ ходимлари томонидан "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 15-22-бандлари талабини бузган 16 минг 623 нафар пиёда аниқлиниб, уларга нисбатан Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 138-моддасига асосан маъмурий баённома расмийлаштирилган.

**ТАРТИБ ФАҚАТ ЖАРИМА БИЛАН**

- Афсуски, бугун йўлларда ҳаракатни тартибга солишда аксарият ҳолларда фақат жарима, яъни жазо қўллаш усули иш бермоқда, - дейди Ш.Бойхўров. - Мисол учун, бекатларда тўхташ мумкин бўлмагани ҳолда айрим ҳайдовчилар бу қоидага амал қилмасдан, жамоат транспортига халал берапти. Шу сабабли бугун шаҳарда йўлчуви ташвиш билан шуғулланадиган автобусларга видеорегистратор ускуналари ўрнатилмоқда.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузаётганларга чора кўриш, бунда жамоат транспорти ҳайдовчиларини рағбатлантириш усули ижобий натижа берапти.

**ИНСОН ОМИЛИНИ ЧЕКЛАШ МУҲИМ**

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 апрелдаги тегишли қарорига мувофиқ, тадбиркорлар томонидан Самарқанд шаҳридаги 14 та чоррахага 52 та интеллектуал видеокемаралар ўрнатилиб, "Вазиятлар маркази"га интеграция қилинмоқда.

Ўрнатилган видеокузатув камералари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари шунингдек, тирбандликларнинг олдини олишда, жамоат тартибини сақлашда ҳамда ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлашда ўз самарасини бермоқда.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган 9 ойда ИПХ ходимлари томонидан 286590 қоидабузарликлар аниқлиниб, ҳуқуқбузарлардан 45 миллион 609 миллион сўм жарима ундирилган. "Atlas" компаниясининг "Кобальт" ва "Нексис-3" русумли автоматшарнаҳлари билан 282 377 та қоидабузарлик аниқлиниб, 71 миллиард 49 миллион сўм жарима ундирилган.

Қайд этилган рақамлар йўл ҳаракатини тартибга солишда инсон омилини камайтириш нақадар муҳимлигини кўрсатмоқда. Демак, ҳокимликлардан жойларда замонавий воситаларни ўрнатишда фаол бўлишлари талаб этилади.

**Ё.МАРҚАЕВ тайёрлади.**

# Беш ташаббус олимпиадаси



Вилоятда мазкур олимпиаданинг иккинчи мавсуми 10 сентябрда бошланган эди. Ҳозирга қадар иштирокчилар маданият, санъат, спорт, китобхонлик, ахборот технологиялари йўналишлари бўйича 14 танлов ва спорт мусобақаларининг маҳалла, сектор, туман (шаҳар) босқичларида иштирок этди.

Маҳалламизда икки мингдан зиёд ёшлар бор, - дейди Жомбой тумани "Тут" маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Шохжаҳон Пардаев. - Шундан "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг иккинчи мавсумида 500 нафардан зиёд ўғил-қиз қатнашди. Улар маҳалла, сектор, туман босқичларида 14 танлов ва спорт мусобақаларида беллашиб, 20 нафар иштирокчи вилоят босқичи йўлнамасини қўлга киритди.

Ф.РЎЗИБОВЕ.

## Ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейинги ишланган вақт ҳам иш стажига қўшилади

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, турмуш даражасини оширишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 26 октябрдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори ҳам бевосита шунга қаратилган.

Унга қўра, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейинги ишланган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади. Шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейин камида 1 йил иш стажига эга бўлса, фуқаронинг аризаси асосида иш стаж ва иш ҳақи инobatга олинган ҳолда пенсия ҳар икки йилда бир мартаба қайта ҳисоблаб чиқилади. Бунда пенсияни қайта ҳисоблаш фуқаро пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш учун мурожаат қилган санадаги ёшга нисбатан талаб

қилинган иш стажидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Масалан, ногиронлик пенсияси тайинланган фуқаро 4 йил ишлади. Шу ишланган иш стаж ва ойлиги билан пенсияни қайта ҳисоблаш учун мурожаат қилиши мумкин ва шу ойлиги ва стаж билан пенсия ҳисоблаб чиқарилади ҳамда пенсияси ошириб берилади. Қонуннинг 17-моддасида ёшга нисбатан стаж талаби ҳам мурожаат қилган вақтдаги ёшга нисбатан ўзгаради. Худди шу сингари икки йил ўтгандан сўнг ноги-



ронлиги бор шахс ишни давом эттириб турган бўлса, яна қайта ҳисоб-киتاب қилиниши мумкин.

Абдурашид РАҲИМОВ,  
Пенсия жағғармаси вилоят бошқармаси шўба раҳбари.



## Ис гази билан боғлиқ

### кўнгилсизлик

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мумкин(ми?)

Вилоятимизда 2021 йилда ис гази билан боғлиқ етти вазият 18 кишининг ўлимига сабаб бўлган. 2020 йилда ҳам қарийб шундай рақамлар қайд этилган.

#### САБАБ НИМА?

Таҳлилларга қўра, аксарият ҳолларда иситиш қурилмаларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида турли кўнгилсизликлар юз бермоқда.

Масалан, қишлоқ жойларда уйларни иситиш учун ўтин ёки кўмир ёқилғиси ишлатилади. Бироқ оддий мўриконларни тозалаш сингари техник талаблар бажарилмайди. Шунингдек, газ плиталар уйларни иситиш учун узлуксиз ёқиб қўйилади.

2021 йилдаги ис гази билан боғлиқ ўлим ҳолатлари айнаи шу жараёнда юзга келган.

#### ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН...

Ҳар бир инсон муаммага теран нигоҳ билан қараса, яъни носоз иситиш воситаларидан фойдаланмаса ҳамда тегишли техник талабларга риоя қилса, кифоя.

Негаки, вилоятдаги қарийб 800 миң хонадоннинг ҳар бирига кириб-чиқши, уларда индивидуал сўхбат ва профилактик тадбир ўтказишга фавулодда вазиятлар бошқармасининг жис-

моний имконияти етмайди.

Ис газидан заҳарланиш қайд этилмаслигида техник талаблар биланми. Аммо бунда ФВБ билан бирга бошқа мутасаддилар, хусусан, жамоатчилик фаоллари ва ОАВнинг ҳам ўрни бўлиши керак.

Хусусан, кўп қаватли уйларда мавсум олдида газга мослаштирилган қурилмалар кўриқдан ўтказилиши шарт. Бирок бу вазифа газтаъминот корхонаси мутасаддилари томонидан тўлиқ бажарилмапти, деб бўлмайди.

Газлашмаган ҳудудларда тарқатилган ётган баллонлар тегишли стандартларга жавоб бериши, белгиланган муддат давомидагина фойдаланилиши кераклигини афсоки, кўпчилик билмайди. Биланлар ҳам айрим вақтларда бунга бепарво қарайди.

#### ҲИДАЛНИШ ШАРТ!

Бугунги кунда истеъмол бозорига хонада ис гази пайдо бўлиши билан жўмраки беркитувчи қурилмалар мавжуд. Аммо кўпчилик бунга зарурат йўқ, деб ўйлайди. Ваҳоланки, ривожланган давлатларда эҳтимот шарт, деб бундай қурилмадан албатта, ҲИДАЛНИЛАДИ.

Умид АҲРОРОВ,  
вилоят ФВБ бошлиғи ўринбосари.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tekzor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

# ОГОҲ БЎЛИНГ, МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ!

Магистраль газ қувурларининг муҳофаза зонасида хавфсизлик чораларини кўриш гоётда муҳим. Вилоятимизнинг Нарпай, Каттакўрғон, Иштихон, Окдарё, Нуробод, Пайарик туманлари ҳудуди бўйлаб аҳоли пунктлари ва саноат корхоналарини табиий газ билан таъминловчи, юқори босимга эга магистраль газ қувурлари ётқизилганлигини ҳисобга олсак, масала кундек равшан. Шу сабабли ҳамюртларимизни огохликка қорлаймиз.

Эксплуатациянинг нормал шароитини таъминлаш ва қувурларнинг шикастланишига (уларнинг ҳар қандай ўтказилишидан қатъи назар) йўл қўймаслик учун "Магистраль газ қувурлари ҳимоя қоидалари" ва Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 69-моддасига асосан, муҳофаза ҳудудлари белгиланган. Магистраль газ қувурлари таркибига газ қувурлари, газ тақсимлаш шохобчалари, кран тугунлари, компрессор станциялари, электр кимёвий ҳимоялаш ускуналари (ЭхЗ), юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари (ЛЭП), алоқа технологияси иншоотлари ва узатгичлари, газ қувурлари трассаси бўйлаб ётқизилган йўллар, газ қувурларини билдирувчи ва танитувчи белгилар кирди.

Қувурларнинг муҳофаза ҳудудига кирувчи майдонлар ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилмайди. Улар мазкур майдонда фақат магистраль газ қувурларини муҳофаза қилиш қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ёки бошқа турдаги ишларни олиб боришлари мумкин. Қувурлар ётқизилган ҳудудда тураржой мавзелари, аҳоли пунктлари, саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари, иморатлар (тураржой ва нотураржой бинолар) қурилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тасдиқлаган меъёrlарга қўра, магистраль газ қувурларини лойиҳалаштиришнинг қурилиш нормалари ва қоидалари бўйича газ қувуридан бино ёхуд иншоотгача бўлган энг кам масофага қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Қувурларнинг муҳофаза ҳудудига қувурлардан меъёрида фойдаланишга ҳалақат берувчи ёки уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишлар тақиқланади. Хусусан: - ҳар қандай қурилиш ишларини олиб бориш, иншоотлар тиклаш; - ҳар хил турдаги дарак ва буталарни экиш, ем-хашак, озуқа, ўғит ва материалларни тўплаш, пичан ғамлаш, от боғлайдиган қозикларни жойлаштириш, чорва молларини сақлаш, балиқ етиштириш учун участкалар ажратиш, балиқ ҳамда бош-

қа сувда яшовчи ва сузувчи ҳайвонлар ва паррандаларни парваришлаш, жониворлар учун сув ичидан ховузалар қуриш, музни ёриш ва тайёрлаш ишларини амалга ошириш;

- қувур трассаси устидан ўтиш ва кесиб ўтиш иншоотларини қуриш, трактор ва бошқа механизмлар учун сақлаш жойларини барпо этиш, жамоат боғлари ва поллизларини жойлаштириш;

- турли хил қурилиш-монтаж, портлатиш ва тоғ ишларини амалга ошириш, тупроқ (грунт) ни режалаштириш;

- мелиорация ишларини амалга ошириш, суғориш, қуришти тармоқларини қуриш;

- назорат-ўлчов қудуқлари, назорат пунктлари, сигнал берувчи, огохлантурувчи белгиларини бузиш, жойларини ўзгартириш;

- кабел алоқаси хизмат кўрсатмайдиган товуш кучайтирувчи пунктлар қолқоқларини, люкларни, катод ҳимояси станцияси, тармоқ ва назорат қилувчи қудуқлар ҳамда бошқа қурилмаларини, зулф ва жўмрақларни очиш, алоқа воситалари, қувур энергия таъминоти ва телемеханикасини ёқиш, ўчириш;

- белгиланган ҳудудда турли хил чикинди тўпламларини йиғиш, ерга ишқорлар, тузлар, кислота эритмаларини туқиш;

- қувурларни бузилишлардан, ён-атроф ва яқин жойлашган ҳудудни, транспортирова қилинадиган маҳсулотни авария натижасида тўкилишдан сақловчи, ер ости сувини ўтказувчи иншоотларни, қирғоқларни мустаҳкам тутувчи қурилмаларни бузиш;

- олов ёқиш ёки шунга ўхшаш очик-ёпик олов манбаларини уюштириш;

- ҳимоя ҳудудларида сунъий ҳавзалар ва шולי экинларини экиш маън этилади.

Магистраль газ қувурлари ҳимоя қоидаларининг бузилишида айбдор мансабдор шахслар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қўра жавобгарликка тортиладилар.

Муҳофаза ҳудуди: - қувур трассаси бўйлаб хавфсизлик ер участкаси кўринишида, қувур ўқининг ҳар томонидан 50



метрча масофада шартли чизиклар билан чегараланган бўлади;

- қишлоқ хўжалигига тааллуқли ерлардан ҳимоя майдони қувур ўқининг ҳар томонидан 25 метр масофада ўтадиган шартли чизиклар билан чегараланади;

- кўп тармоқли трасса бўйлаб чекка қувур ўқининг ҳар томонидан 50 метр масофада ўтган, шартли чизиклар билан чегараланган ер майдони кўринишидадир.

Газдан конденсатни ажратиш ва сақлаш учун сийгилар атрофида нефть, конденсат ва сийгиланган углеводородларни авария ҳолатидан чиқариш учун ер омиборида кўрсатилган объектлар майдони чегарасида ҳар томонига 50 метрдан туташган чизик билан чегараланган участка кўринишида бўлади.

Ўзбекистон Республикасида "Қурилиш меъёrlари ва қоидалари" ҚМҚ 02-05-06/97 меъёрий ҳужжат асосида магистраль газ тармоқлари атрофида қувурлар диаметрига мос ҳолда муҳофаза ҳудудлари белгиланган.

Белгиланган хавфли ҳудуд радиуси: - диаметри 300 мм.гача бўлган газ қувури учун муҳофаза ҳудуди қувур ўқидан ҳар икки тарафга - 100 метр;

- диаметри 300 мм.дан 600 мм.гача бўлган газ қувури учун муҳофаза ҳудуди қувур ўқидан ҳар икки тарафга - 150 метр;

- диаметри 600 мм.дан 800 мм.гача бўлган газ қувури учун муҳофаза ҳудуди қувур ўқидан ҳар икки тарафга - 200 метр;

- диаметри 800 мм.дан 1000 мм.гача бўлган газ қувури учун муҳофаза ҳудуди қувур ўқидан ҳар икки тарафга - 250 метр;

- диаметри 1000 мм.дан 1200 мм.гача бўлган газ қувури учун муҳофаза ҳудуди қувур ўқидан ҳар икки тарафга - 300 метр;

- диаметри 1200 мм.дан юқори бўлган газ қувури учун муҳофаза ҳудуди қувур ўқидан ҳар икки тарафга - 350 метрни ташкил этади.

Шунингдек, газ тақсимлаш шохобчалари ҳар томондан ҳимоя ҳудуди (муҳофаза ҳудуди) ҳар қандай ишларни олиб бориш тақиқланади) 150 метр қилиб белгиланган.

Шунингдек, қурилиш ва қурилиш объектларини қўйидагиларга қаратмоқчимиз:

Давлатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сийсатига қўра, аҳоли томонидан тегишли маҳаллий ҳокимиятлар рухсатисиз қурилиб, ҳозирда аҳоли истикомат қилиб келаётган айрим уй жойлар ҳам тегишли ҳужжатлар орқали эгаларига мулк сифатида расмийлаштирилиб берилмоқда. Лекин магистраль газ қувурларининг хавфли ҳудудида, бошқача айтганда, "Қизил ҳудуд" ичида қурилган ноқонуний иморатлар учун бу енгилликлар тадбиқ этилмайди ва бундай иморатлар бузиб ташланиши керак бўлади.

Хусусан, Нарпай тумани Мирбозор кўрғони, "Саловат" МФЙ ҳудудида жойлашган "Мирбозор бозори" МЧЖ майдони яқинидан "Зирабулоқ МКБ"га қарали юқори босимли, диаметри 1020 мм. бўлган БГР-ТБА магистраль газ қувурлари ўтган. Қурилиш босимли магистраль газ қувурида вужудга келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар, яъни тўсатдан авария ҳолати содир бўлганда ёнғин содир бўлиши, одамлар қурбон бўлиши ва бино-иншоотларга зиён етказилишини моддий ва маъ-

навий зарарларни олдини олиш мақсадида Архитектура ва қурилиш қўмитасининг ҚМҚ-02.05.06-97 қоидалари 4-жадвалига асосан, диаметри 1020 мм. газ қувурининг муҳофаза майдони 250 метр қилиб белгиланган. Ҳозирги кунда БГР-ТБА магистраль газ қувурининг "Мирбозор бозори" МЧЖ ҳудудидан ўтган қисмида, газ қувури хавфли зонасида бир қатор савдо дўконлари мавжуд. Ушбу қурилмаларга ҳозирги кунга қадар тўлиқ огохлантурувчи хатлари берилиб, газ хавфлиги тўғрисида бошқарма мутасаддилари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилган. Муқаддам суд томонидан қурилмаларни бузиш юзасидан ҳал қилув қарорлари чиқарилганлигига қарамасдан, бу борада бирор бир ижобий натижага эришилмаган.

Асосий мақсадимиз фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлаш, келиб чиқши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар ва авария ҳолатларининг олдини олиш учун. Огоҳ бўлинг, азизлар!

Азиз ҳамюртларимизнинг ер участкалари ёки деҳқончилик қилаётган ер майдонлари магистраль газ қувурлари яқинида жойлашган бўлса, бирор турдаги қурилиш ишларини бошлашдан олдин ушбу газ қувурларига хизмат кўрсатувчи бошқармага мурожаат қилиб, иш кўриш таъмин этилади. Бу ҳолда фуқароларимиз ўзбошимчилик билан қурилган ноқонуний иморатнинг бузилиши билан боғлиқ ортиқча асабузларлик ва кераксиз моддий чиқимлардан холи бўлишади.

Бошқарманиз манзили: Нарпай тумани Оқтош шаҳри, Мўқимий маҳалласи. Телефонлар: +99866-432-41-91, +99893-172-22-47.

Шеркул ОРЗИЕВ,  
"Зирабулоқ магистраль газ қувурлари" бошқармаси бошлиғи.

Искандар ШУКУРОВ,  
Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси Самарқанд ҳудудий бошқармаси бош мутасаддиси.

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд туманидаги "OMAD FARZONA SERVICE" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 305584228) Самарқанд туманидаги "ANISJON GARDEN GOLD" масъулияти чекланган жамиятига (СТПР: 304989300) қўшилмоқда. "ANISJON GARDEN GOLD" масъулияти чекланган жамияти "OMAD FARZONA SERVICE" масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетанда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд тумани Чорда-ра маҳалласи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нурқосимов Жамшид Сайфиiddинович нотариал идорасида марҳум Мухидов Саидхун Аммировичга (2020 йил 28 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Манзил: Самарқанд шаҳри Панжоб кўчаси, 4-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухидинович нотариал идорасида марҳум Семерьяков Владимир Викторовичга (2010 йил 1 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухидинович нотариал идорасида марҳум Семерьяков Владимир Викторовичга (2010 йил 1 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Пайарик туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Рузимуродов Муртазага (2010 йил 18 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайарик тумани Челақ шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухидинович нотариал идорасида марҳум Абдувоҳидов Сулқул Астановичга (2019 йил 17 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Турабов Баҳодир Бахриновичга (2022

йил 1 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Хазраткулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Аҳмадов Раҳматжон Аҳмадовичга (2021 йил 18 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Хазраткулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Тойлоқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Валлохджоев Фарзод Батирович нотариал идорасида марҳум Акрамов Салим Хасановичга (2021 йил 16 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Валлохджоев Фарзод Батирович нотариал идора-

сига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳарчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Раҳимова Иҳлима (2013 йил 31 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нурқосимов Рамзиддин Сайфиiddинович нотариал идорасида марҳум Нуриддинова Барно Бахриевнага (2022 йил 24 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нурқосимов Рамзиддин Сайфиiddинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 80-уй.

Самарқанд давлат университети ректорати, Мухандислик физикаси институти ҳамда ядро физикаси ва астрономия кафедраси жамоалари Самарқанд давлат университетида хизмат кўрсатган профессор, физика-математика фанлари доктори Баҳром МАҲМУДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Л.М.Исаев номидаги микробиология, вирусология, юкуми ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти маъмурияти Самарқанд давлат университетиде хизмат кўрсатган профессор, физика-математика фанлари доктори Баҳром МАҲМУДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.

ТҮЙЛАР ҲАР ҚАНДАЙ АМАЛНИ ТИҚИШТИРАДИГАН «ҚАДРИЯТ»МИ?

Кредит устига қурилаётган оилалар

бизни сергак торттириши керак!



Тўй ва маросимлардаги дабдаба-бозлик, орзу-хавасга берилиб, исрофга йўл қўйлаётганининг оқибатлари ҳақида жуда кўп ёзилди, фикрлар айтилди. Афсуски, жамиятимиз бу йиллардан ҳамон кутулгани йўқ.

Яқинда бир оиланинг муаммосини сектор раҳбарлари билан хонадонига бориб ўргандик. Йигит банкдан кредит олиб, уйлانган. Қарзни тўлаш учун хорижга ишлагани кетган. Орадан кўп ўтмай, қайнона-келин ва кудалар ўртасида низо келиб чиққан.

Хизмат тақозоси билан худудларда бўламиз, қабулларда кўлаб юртдошларимиз билан мулоқот қиламиз. Тўй қиламан, деб қарзга ботганлар, кредит олаётганлар, кудаларнинг арзимас буюм устида низолашиши сабаб ажрим ёқасига келиб қолган тақдирлар... Айнан тўй дабдабаси ортидан юзга келаётган бу нохуш ҳолатлар бизни сергак торттириши керак.

Келин томони йигитнинг хорижга кетиб қолгани, қайнона келинига кун бермаслигидан шикоят қилади. Куёв томон ўғлининг қарзга ботишида келинни айблайди. Ачинарлиси, йигит олий маълумотли, уйлангунча давлат ишида ишлаган...

"Тўй ва таъзияга сарф қилинатургон оқчаларимизни биз - туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб оврупойилардек тараққий этармиз ва ўзимизда, динимизда обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат ва мискиннатдан бошқа насибамиз бўлмайду". Ҳаёт куюнчаклик билан айтилган бу сўзларни Бехбўдий ҳазратлари юз йил аввал ёзиб қолдирганлар. Афсуски, ҳар бир сатри ҳали-ҳамон долзарб ва аҳамиятини йўқотмаган.

Кишини бир савол қийнайдми. Яхши ният билан қурилган оиланинг ширин ҳаётни қарз билан бошлаши, бир навқирон йигитнинг олис юртга қора меҳнатга кетишига ҳою-хавасларимиз сабаб бўлмаяптими?

Қаюм СОБИРОВ, Жомбой тумани ҳокими.

Оилавий ажримлар - дабдабали тўйлар оқибати



Одамларга маслаҳат ёки насиҳат бергандан кўра, шахсий ўрناق кўрсатган кўпроқ самара беради. Исрофгарчиликларнинг олдини олиш керак, деб соатлаб ваъз ўқиш ўрнига ислоҳни ўзимиздан, ўз оиламиздан бошлашса, айни муддао бўларди. Шунга амал қилган ҳолда маҳалламизда тўй ва маъракаларни камхарж ўтказишга ҳаракат қилаймиз.

Урф-одатларимизга зид иш қилмайми. Яқинда туманимизда бир бадавлат киши қизига меҳел олиб берган экан. Маҳалла нурунийлари уни чақириб, танбех берганидан кейин меҳелни дўконга қайтариб топширди", деди. Бундан кўринадики, бошқа худудларда бу масала анча тартибга келган. Бизда эса аксинча, борган сари тўйларда дабдабозлик авж оляпти.

Таҷрибамдан айтсам, тўй ва маъракаларни тартибга солиш маҳалла нурунийлари ва зиёлилари билан энгилроқ кечади. Маҳалламизда бу каби тадбирларни ёши улуг инсонлар билан бамаслаҳат қилишни одатга айлантирганимиз. Тўй қилаётган хонадон ўзига тўқ ёки камчиқимми, бунинг аҳамияти йўқ. Маҳалла тўй ва маъракаларни қай йўсинда ўтказаяётган бўлса, шунга амал қилади.

Тўйларда-ку, исрофгарчилик оdatга айланди. Афсуски, бугун аза маъракаларда ҳам кўрар кўзга, кераксиз сарф-ҳаражат қилаётганлар учраяпти. Яна бир гап. Тўй, маърака ва маросимлардаги дабдабозликларнинг асосий ташкилотчилари аёлларимиз. Шундай экан, маҳаллаларда отиноийларимиз, зиёли, нуруний онахонларимиз бу масалада фаолроқ бўлишлари лозим. Оилавий ажримларнинг кўпайганига ҳам мана шу тўйлардаги олди-бердилар бу дабдабозликлар сабаб бўляпти. Ўғил-қизларимизга илм, касб-хунар ўргатмасдан, уларни турмуш қуришга ундар эканми, оилалар бузилиши камаймайди. Оилавий ажримларнинг катта қисми айнан дабдабали тўйлар, ундаги олди-бердиларнинг оқибати.

Аммо шуни ҳам айтиш лозимки, аτροφ маҳаллардан билан қуда-анда бўлганимизда баъзи ҳолатларда қарши томонни биздаги тартиб ва аънаналарга амал қилишга кўндирish қийин кечади. Айримлари маҳалла оқсоқолларининг насиҳатига қўлоқ солмайди.

Дилшод ТОҲИРОВ, Самарқанд туманидаги "Обод" маҳалла фуқаролар йигини раиси. Мавлон УСМОНОВ, маҳалла фаоли.

"ЗАГС" автомобиллар карвонисиз ўтмайдими?

- Дўстимнинг тўйида "ЗАГС"га боргандик. Қизиконлик қилиб, одамларга ҳалақит берибмиз. Хатоимизни тушундик, бошқа қайтарилмайди...



Бу яқинда Ургут туманидаги тўйда автомобилларни гуруҳ-гуруҳ бўлиб бошқарган, камига, йўл ҳаракати қоидаларини намойишкорона бузиб, бошқа йўл ҳаракати катнашчиларнинг ҳаётига хавф туғдирган ҳайдовчилардан бирининг камера олдидаги икрори. Ижтимоий тармоқларда видеоси тарқалиб, кенг жамоатчиликнинг эътирозига сабаб бўлган ҳолат жавобсиз қолмади, албатта. Суд "дрифт" иштирокчиларидан 8 нафарига 15 сўтқадан, 3 нафарига эса 10 сўтқадан маъмурий қамоқ жазоси тайинлади.

Аслида, бу вилоятимизда йўл ҳаракати қоидаларининг шу тақдид бузилиши билан боғлиқ ягона ҳолат эмас. Виллоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан ўтказиб келинаётган назорат тадбирларида биргина жорий йилнинг тўққиз ойида ҳайдовчиларнинг тўй маросимларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракатланиши билан боғлиқ 152 та қонунбузарлик қайд этилди. Шукурки, уларда ҳеч ким жароҳат олмади. Бунинг акси бўлганида-чи?.. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати Кенгашларининг 2019 йил 14 сентябрдаги қўшма қарори билан тасдиқланган низомида никоҳни давлат рўйхатидан ўтказиш, келин-куёвнинг тўйхонага келиши ва кетиши билан боғлиқ оилавий тадбирларда 3 тадан кўп энгил машинага ёки жамоат хавфсизлиги таҳдид солувчи бошқа транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланган. Аммо бугун бу қоида ни кўпчилик ҳақида унутиб қўйгандек. Қолаверса, ҳужжатда тегишли лицензияга эга бўлмаган ташувчилар хизматидан фойдаланмаслик ҳам кўрсатилган. Албатта, тўй эгаларининг шахсий автомобиллари ҳамда ҳомийлар ёрдамида жалб этилган автотранспорт воситалари бундан мустасно. Лекин бу ҳам маросимда катнашадиган автотранспорт воситалари сонини 3 тадан ошириш мумкин, дегани эмас.

Беъмани урфларга бугун чек қўймасак, эртага кеч бўлади

Анъана - ўзбек халқининг аждодларидан мерос, уни давом эттириш савоб. Аммо замон янгиланиши билан аждодлар қолдирган меросга бепасандлик билан қараб, Ғарбнинг сарқитга чиқарган баъзи ишларини афзал кўраётганлар ораимизда кўпаймоқда.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун маҳалларда, масжидларда имом хатиблар томонидан маърузалар қилинган. Динимизда исроф қаттиқ қораланганлиги, бу тўғрисида Қуръони карим ва ҳадисларда мусулмонларни оғоҳ бўлишга чақирган кўрсатмалар борлиги хусусида сўз юритилмоқда. Аммо тўйларни ихчамлаштиришга кенг жамоатчилик киришса экан, натижага эришиб бўлмайди.

Урф-одатлар, удумлар замонлар оша янгиланиб бораверади, лекин ўз аслини йўқотмаслиги керак! Бундан 25-30 йил муқаддам халқимиз хурсандчиликлари, тўй-маросим, маъракаларини кишилар ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб хонадонларида ўтказарди. Ҳар бир маҳалла, қишлоқда халқнинг эҳтиёжига етарли ашёлар - қозон-ўчоқ, идиш-товоқ каби жиҳозлар бўларди. Маҳалладаги ҳар бир тадбир оқсоқолнинг руҳсати ва белгиларини вақтида камхарж ва ортиқча исрофгарчиликсиз ўтказиларди.

Айрим аза маросимларидаги дастурхонлар ҳам тўйларниқидан қолишмайдиган даражага келиб қолганлигини бугун афсус билан айтишга мажбурмиз. Бу маросимлар имом-хатибларсиз ўтмайди. Шунинг учун ҳам жанозаларда улар томонидан аҳолига қилинган муросоатлар самарасини бера бошлади. Бир пайтлар уч кунлик азадан кейин ҳам ҳар пайшанба ва яқшанба кунлари дастурхон эшиш, "еттиси", "йигирмаси", "қирқ", "йил" каби маросимлар ўтказиш урф эди. Бугунги кунда уларнинг аксариятига чек қўйилди. Бошқа тадбирларни ҳам камхарж қилиб ўтказиш халқимизга тушунтирилмоқда. Масалан, оилада эркак киши, яъни боқувчи вафот этса, ёлғиз аёл ва унинг фарзандлари яшаيدиган хонадонда турли аза маросимлари учун қозон қайнатмаслик тўғрисида ҳам тушунча беряпти.

Кейинги йилларда "Мен сендан камми?" қабилидаги маросим-маъракалар шунчалик авжига чиқиб кетдики, янги одаларнинг қандай пайдо бўлганини биров билиб, биров билмай қолди. Аҳвол шунчаликка бордики, дабдабали тўй ўтказиб, қарзга ботиб қолганларида айбони ундан бунга солишди. Турли хил нохушлиқлар келиб чиқиб, ёш оилалар орасида ажримлар кўпайди.

"Қачон бу бесамар расм-русумлардан қутуламиз?", деган савол кўпчиликни қийнайдми. Аммо шу инсонларнинг аксарияти ундан қутулишга ҳаракат қилмаяпти. Аслида "қачон" сўзининг ўрнига "ҳозир" деган сўзни ишлатиб, бугун қутулишимиз керак. Акс ҳолда, бу урф-одатлар илдиз отиб кетаверади.

Тўй қилиш, элга ош бериш, аслида, кишининг хурсандчилигидан келиб чиқиб, Яратганининг неъматига шукронаси учун хайр-эхсон тариқасида амалга оширилади. Шундай бўлса майли, аммо тўйларимиз шукрона учун эмас, балки кераксиз орзу-хавас учун ўтказилаётгандир.

Ҳайруллох САТТОРОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакили ўринбосари.

Нега ўзимизга зиён етказамиз?

Тўйлардаги исрофгарчиликлар, ҳашаматли ҳолатлар ҳақида фикр билдирар эканми, бир масалага эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман. Одатда икки ёшнинг оила ташкил этиши никоҳдан ўтиш ҳамда тўй билан бошланган жараён. Афсуски, аксарият оилаларда фарзандини уйлантириш ёки узатишда асосан моддий томонлама тайёрларлик кўрилади. Ёшларнинг оилага тайёрлиги ҳақидаги масалалар энг сўнгги масалага айланиб бормоқда.

Тўй-ку, майли, аммо бугун аёллар қудалар билан боғлиқ олди-бердиларни ҳам шунчаликка олиб беришгани, оддийроқ мато, кийим эмас, бир неча миллионлик уст қийимлари тилла тақинчоқлар қийимни урфга айлантириб олишди. Бир томондан бу ҳаммининг ҳиммати, деймиз-у, лекин айнан шу сарулолар ҳаммининг кўз ўнгидан берилгани бу одатларнинг "винус"дай тарқалиб кетишига, қўли калта оила ҳам шундай одатларни қилишим керак, деб чет элларга кетишига сабаб бўлмоқда. Эътибор беринг, битта дабдабали тўй, аёлларнинг кераксиз орзу-хаваслари дея, қанчадан-қанча аёллар, эркаклар қийналиб, фарзандларини ташлаб, четга ишлашга йиллар давомида кетмоқда. Бугун таълим муассасаларида тарбиялана кескин ўзгаришлар, руҳиятида салбий ҳолатлар кузатиладиган болаларнинг аксарияти ота-онаси ёнида эмаслиги бот-бот тақдорланмоқда.

Феолиятим нуктаи назаридан никоҳдан ўтиш учун ҳужжат топширган, энди турмуш қуриш ниятида бўлган ёш оилалар билан суҳбатлашимизга тўғри келган. ФХД бўлимлари қошида очилган маскун мактабларда сабоқ берганимизда, аксарият ёшлар "Ота-онангиз тўйдан аввал сизлар билан суҳбат қурдимми, шу масалаларни тушунирдими?", десак, ҳайрон қолишадми. Бу ҳақда биринчи марта эшитаётганликларини айтишадми.

"Зарафшон" газетасида тўйлар ҳақида кетма-кет долзарб мақолалар эълон қилинмоқда. Уларнинг барчасида бугун тўйлардаги исрофгарчиликлар бўйича фикрлар, аҳолининг ўзи тўйларни қисқартириш кераклигини айтиётгани ҳақида сўров натижалари берилди. Шундан келиб чиққан ҳолда биз ҳам бу масалада тақлифларимизни билдирсак.

Ваҳоланки, оталар ўғиллари, оналар қизлари билан суҳбатлашиши, оиланинг масъулияти ҳақида тушунча бериб бориши лозим.

Биринчидан, ресторонларда фалон сўмлик стол қилмасанг, буюртма қабул қилмаймиз, дея истеъмолчининг ҳақ-хуқуқларини бузаётган ресторон эгаларига чора кўриш лозим. Асосий дабдабабозлик, исрофгарчилик айнан шу талабдан келиб чиқмоқда. Шунингдек, бугун жойларда Ёшлар ишлари бўйича агентлик бўлими билан ҳамкорликда фаол ёшларнинг намунали тўйлари шакллантирилса, назаримда, бу ишга улар бугунги дабдабалардан холи тарзда ёндашади. Сабаби, кўпича ёшлар билан суҳбатлашганимизда улар катта тўйларга қизиқмаслиги, аммо ота-онаси орузи учун бу нарсга мажбурлигини таъкидлашади.

Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида доимий равишда тарғибот ишларини олиб бориш, исрофгарчилик, дабдабага ўчликнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунча бериш керак, деб ўйлайман.

Саноат ЗОҲИДОВА, вилоят аёллар тарғиботи гуруҳи раҳбари, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати.



Тўйда мушакбозлик керакми?

"Зарафшон" газетасида оилавий марака ва маросимлар, жумладан, тўйларни тартибга солиш борасидаги мақолаларни ўқиб, айрим тажриба ва тақлифларим билан ўртоқлашимиз лозим топдим.

Чунки маҳалламизда тўйларни спиртли ичимликсиз ўтказиш оdat тусига айланиб борапти. Шу гапни вилоят тадбирларида ҳаммасларим, танишларимга айтсам, ишонқирамай қарашади.

Рост, никоҳландиган ёшлар келиб "Матлуба опа, биз ўзаро келишиб, никоҳ тўйимиз дастурхонига ароқ қўймасликка аҳд қилдик, аммо уйдагилар рози бўлишмапти..." деганлари ҳам учраб турибди. Албатта, уларнинг хонадонларига бориб, ота-оналар билан суҳбатлашиб, масаланинг қонуний, керак бўлса, шаръий томонларини тушунтирамиз. Ҳозирча уринишларимиз зое кетмаяпти.

Маҳалла раиси сифатида аксарият ҳолларда тўй маросимларини ўзим очиб бераман. Шу боис худудимизда аксарият наҳор оши, никоҳ тантаналари сингари марака-маросимлар тадбиркор, туман Кенгаши депутати Акрамжон Тошевга тегишли "Висол" тўйхонасида ўтказилади. Бу ерда ўтказиладиган қандай тадбир бўлишидан қатъи назар, уни камчиқим, ортиқча дабдабасиз, хуллас, бугунги кун талаблари даражасида ўтказиш чораларини кўриб келяпмиз.

Хурсанд қиладигани, спиртли ичимликсиз бўладиган тўйда гала-говур кам, келин-куёв, уларнинг ота-оналари, қуда-анда-лар шашнига айталидиган табрик-тиллаклари ҳам тинглайди. Ижро этилаётган куй ва тароналар ҳам дилларга мароқ бағишлайди. Тўй сўнггида маҳалла оқсоқолнинг дуоси билан йигилганлар фотога қўй очади.

Рост, спиртли ичимликсиз ўтказилаётган тўйларимизда айрим меҳмон эркакларнинг қовоқ-тумшуқлари осилган, ўриндик жойлари худди омонатдек зўрга чидаётганига, баъзида дастурхонга таом тортилмасданок норози қиёфада, намойишкорона гуруҳ-гуруҳ бўлиб чиқиб кетишадиганига ҳам гувоҳ бўламиз...

Бу билан бизда тўй ва бошқа оилавий маърака-маросимлар рисоладагидек, дейишдан йироқман. Чунки маҳалламизда 3000 дан зиёд аҳоли истикомат қилади. Ким қандай яшайпти, қай бир оила ибратли, қай бири қўмакка муҳтож - яхши биланман. Афсуски, шундай оилалар борки, амал-тақал қилиб кун кечиришга қарамасдан, қарз-хавола қилиб, дабдабали тўй қилиш пайида бўлади.

Айтмоқчи бўлганим, кўпдан кўп фикр қақди, деганларидек, айримлар тўйларда янги одатларни топишга "уста" бўлади. Масалан, кейинги пайида тўй тугаб, келин ва куёвни кузатиш чоғида осмонга пиротехника воситаси, "салют"лар отилмоқда.

Ўйланиб қоламан, бундай мушакбозлик шунчаки, текинга бўлмаса керак, ахир? Қолаверса, пақ-пуқ қилиб, одамларнинг тинчлигини бузиш, осойишталик ва хавфсизлик жиҳатидан амалдаги қонун-қоидаларга хилоф эмасми?

Албатта, бу борада ҳам тегишли чоралар кўряпмиз, хавотиримга енчим топилгунча янги "одат" шаклланмаса бас.

Матлуба ЮЛДОШЕВА, Пахтачи туманидаги "Бодой" маҳалла фуқаролар йигини раиси.

Publication information including MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi, Bosh muharrir: Farmon TOSHEV, ISSN-201667X, and contact details for the Zarafshon newspaper.